

Аллоҳнинг фирқаси



17:00 / 30.03.2022 2769

Ўша кунлар худди кечагидек ёдимда: масжидларимиз ўғит омборига айлантирилган, баъзилари эса ҳеч ким қарамаганидан хароба бўлган даврлар эди... Муборак Рамазон ойи келганида бирон киши рўза тутганидан хабар топилса, мажбурлаб оғзи очиртирилар, таровиҳ намозлари ҳақида-ку умуман гапирмаса ҳам бўлади. Динга чин ихлослари туфайли шу оғир вазиятда ҳам падари бузрукворимиз уйимизда ифторликлар ташкил қилар, ифторликдан кейин эса таровиҳ намози ўқиларди. Маҳалламизнинг камсуқум, камгап имоми Абдурахим мулла бобонинг қилган қироатларига қулоқ солиб, ўша пайтда анча-мунча ёд ҳам олган эдим.

Йиллар ўтди. Биз ҳам улғайиб, олий маълумотли бўлдик. Замона тақозоси деб, коммунистик партия аъзолигини ҳам қабул қилдим. Юқори

лавозимларда ҳам ишладим. Қайсидир хўжаликда мутахассислигим бўйича ишлаб юрганымда бир куни отам мени кўргани келиб қолдилар. Қўлларидан бир нечта суралар ёзилган китобча бор эди. Китобчани менинг олдимга қўйиб, гап бошладилар:

– Ўғлим, ўқиб, халқнинг назарига тушганингиз бизни хурсанд қилади, албатта. Лекин мана бундай китобларни ҳам ўқиб туриш ёдингиздан чиқмасин, – деб стол устидаги китобчага ишорат қилдилар. – Сизнинг фирқангизнинг таг-замини йўқ, бир «пуф» дейишдаёқ йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Аммо Аллоҳнинг фирқаси сал кам ўн тўрт асрдан бери қанча «бўрон»лар, дин душманларининг тазйиқларига қарамай солиҳ инсонларнинг қалбидан чуқур ўрин олиб келяпти. Бу ҳақиқатни унутмаслигингизни хоҳлардим!

Ўшанда фарзандлик бурчимдан келиб чиқиб, отамнинг гапларига «хўп-хўп» деб ўтирган бўлсам ҳам ичимда ёши бир жойга бориб қолган одам коммунистик партиянинг қудрати нечоғлик эканини қаердан ҳам билсин деб ўйлаган эдим.

Орадан йиллар ўтди. Юртимиз мустақилликка эришди. Ташландиқ масжидлар ободонлаштириш билан бир қаторда, янгидан-янчилари қурилди, қурилаяпти. Таассуфки, бу кунларни кўриш Абдураҳим мулла бобо, падари бузрукворимиз каби қалбида дин қайғуси бўлган кўплаб инсонларга насиб этмади. Бугунги ўзгаришларни кўриб, ўшанда ўзимча назарга илмаганим «оми» отамнинг нечоғлик ҳақ эканларига минг чандон амин бўлдим. Ҳа, Аллоҳнинг фирқаси то Қиёматгача боқий экан!

Қурдош ҳожи Мамасолиев

«Ҳилол» журналининг 1(34) сонидан